Куч — адолатда

2015 йил
7 август,
жума
№ 31 (544)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

«Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!»

Мустақиллик — озод юртда яшаш, ўз тақдирингни ўзинг белгилаш, келажагингни ўз қўлинг билан яратиш демакдир. Инсон озод, ҳур бўлмас экан, унга на шодлик, на фаровонлик татийди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган энг улуғ ва энг азиз сана — 1991 йил 31 августдан эътиборан аждодларимизнинг асрий орзуси ушалди. Халқимизнинг қоронғи, рутубатли, хазин тунлари нурафшон, мусаффо тонгларга уланди. Эндиликда мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон, унинг қадр-қиммати, шарафи бебаҳо қадрият сифатида эъзозланмоқда.



МУСТАҚИЛЛИК — ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Истиқлол йилларида халқимиз қўлга киритган энг буюк ютуқ, шубҳасиз, тинчлик-осойишталикдир. Зеро, тинчлик барқарор бўлган юртдагина ислоҳотлар кутилган самараларни беради, одамлар ўз ҳаётидан рози бўлиб яшайди. Ҳар тонг хотиржам уйғонамиз, фарзандларимизни боғчаю мактабга кузатамиз. Улардан кўнглимиз тўқ, хурсанд бўлиб ишга жўнаймиз. Кун бўйи режалаштирган ишларимизни бажарамиз.

Биз учун одатий ҳолдек туюладиган бу ҳаёт тарзи аслида жуда катта неъмат. Тинчлик туфайли тўй-томошалар байрамларга уланади. Тинчлик туфайли эзгу ниятлар билан барпо этган боғларимиз яшнаб турибди. Заводу корхоналаримиз тўлиқ куч билан ишламоқда.

Бугунги тинч-осуда ҳаётимиз осмондан тушмаган, албатта. У қатъият билан олиб борилаётган оқилона сиёсат маҳсулидир.

Бинобарин, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш — ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиздир.

Бугун Ўзбекистон ва унинг гўзал қадимий шаҳарлари дунё сайёҳларини ўзига чорламоқда. Мамлакатимиздаги тарихий обидаларни, замонавий иншоотларни кўриш, халқимизнинг бетакрор маданияти ва анъаналари билан танишиш мақсадида, юртимизга келган сайёҳларни кўплаб учратиш мумкин. Кристобаль Капаррос ана шундай сайёҳлардан бири, юртимизга Испаниядан келган меҳмон.

"Ўзбекистонда илгари ҳам бўлганман, бу safar уни таниёлмай қолдим, — дейди К.Капаррос. — Беқиёс ўзгаришлар нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасида, балки аҳоли фаровонлиги ошиб, барча соҳалар изчил ривожланаётганида ҳам яққол кўзга ташланади.

Бугун Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлари дунё сайёҳлари учун энг қулай ва мақбул шаҳарларга айланган. Бу ерларда музейлар ва галереялар, замонавий меҳмонхоналар, юқори сифатли хизмат кўрсатувчи ресторан ва қаҳвахоналар ҳамда бошқа кўплаб дам олиш масканлари бор. Ўзбекистон ишлаб чиқариш соҳасида катта имкониятларга эга мамлакат.

Бу мамлакатингизда изчиллик билан, узоқни кўзлаб олиб борилаётган иқтисодий сиёсат нақадар тўғрилигининг амалдаги тасдиғидир".

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2015 йил 6 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг раиси Н.Йўлдошев очди ва бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтаётганлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 17 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда **"Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!"** деб номланган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирлари олиб борилмоқда. Ушбу тадбирлар энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлган Мустақиллик кунини юқори кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилгандир. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши жамоатчиликнинг Ватанимиз мустақиллигининг бетакрор қадр-қимматини, мустақиллик йилларида Ўзбекистон босиб ўтган машаққатли ва шу билан бирга шонли йўлнинг, кенг қамровли ислоҳотларнинг, фуқароларимизни янги марраларни забт этишга ундайдиган улуғвор муваффақиятларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаб етишида муҳим омил бўлди.

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама этиш чоғида сенаторлар таъкидлаганларидек, кўриб чиқилаётган қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 22 январда ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқида ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида баён этилган вазифаларнинг рўёбга чиқарилишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисида сенаторлар томонидан кўриб чиқилган алоҳида муҳим масала бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

Меҳнат муносабатлари

иш берувчи ва ходимнинг амалдаги қонун талабларига қатъий риоя этишини тақозо қилади

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, ҳар бир фуқарони белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимоя қилиш, фидокорона хизматлари билан юқори муваффақиятларни қўлга киритган ходимларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу, албатта, ҳар бир соҳада юксак натижаларни қўлга киритиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, турмушимиз ободлиги ва фаровонлигини янада юксалтиришнинг асосий омилларидан биридир.



Айниқса, бу борадаги муносабатларни тартибга солишда Меҳнат кодекси, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунлар муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Айтиш жоизки, ушбу қонун ҳужжатларида иш берувчи ва ходим ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар, жумладан, меҳнатга оид низоларни ҳал этишга доир меъёрлар белгилаб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Бундан 10 йил муқаддам, 2005 йил 8 августда Президентимиз Ислом Каримов томонидан тарихий аҳамиятга молик ҳужжат — "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармон қабул қилинган эди.

Islohot va samara

Судларнинг ролини ошириш – ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён

Ушбу фармон кенг жамоатчилик томонидан мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш йўлидаги ғоятда муҳим қадам сифатида баҳоланганги бежиз эмас.

Чунки вақт ушбу тарихий қарорнинг ўз вақтида ва оқилона қабул қилинганини кўрсатмоқда. Халқаро амалиётда "Хабеас корпус" деб аталадиган мазкур демократик институтнинг жорий этилиши Ўзбекистонда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланди.

Аввалам бор, ушбу Фармон мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги зарур қадам сифатида судларнинг ўрни ва аҳамиятини оширишда алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён.



Бинобарин, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш бўйича судлар ваколатларини кенгайтириш ва суд назоратини оширишдан иборат.

Бу борада қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан судларга ўтказилиши устувор аҳамиятга эга бўлди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш Конституциямизнинг фуқароларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини белгиловчи 19, 25 ва 44-моддаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилгандир.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2001 йилда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди.

Insonparvarlik tamoyillari

Ярашув институти: инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг амалий ифодасидир

Айтиш керакки, ушбу қонуннинг амалга жорий этилиши мамлакатимизда либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Мазкур қонун билан жиноятларни таснифлаш, жазо тайинлаш ва жазони ўташ борасидаги қоидаларга муҳим ўзгартишлар киритилди. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси сезиларли даражада кенгайтирилди. Энг муҳими, халқимизнинг кўп асрлик қадриятларини ўзида мужассам этган ярашув институти амалга жорий этилди.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар учун — жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, 173, 175, 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун — биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилиши белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда юртимизда 60 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти мавжудлиги ҳам ислоҳотларнинг яққол самарасидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, зарар ўн тўрт ёшгача бўлган болалар томонидан етказилган бўлса, у қандай тартибда қопланади?

Раҳима СОТИБОЛДИЕВА,
Жиззах вилояти, Фориш тумани

— Фуқаролик кодексининг 993-моддасига кўра, ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган (кичик ёшдаги бола) томонидан етказилган зарар учун унинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийлари, агар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, жавобгар бўладилар.

Агар васийликка муҳтож кичик ёшдаги бола тегишли тарбиялаш, даволаш муассасасида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасасида ёки қонунга кўра, васийси ҳисобланадиган бошқа шунга ўхшаш муассасада турган бўлса, бу муассаса, агар зарар муассасанинг айби билан етказилмаганлигини исботлай олмаса, кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар кичик ёшдаги бола ўқув юрти, тарбиялаш, даволаш муассасаси ёки унинг устидан назоратни амалга ошириши шарт бўлган бошқа муассасанинг, шунингдек, шартнома асосида назоратни амалга оширувчи шахснинг назорати остида турган вақтда зарар етказган бўлса, бу муассасалар ва шахслар, агар зарар уларнинг назоратни амалга оширишдаги айби билан етказилмаганлигини исботлай олмасалар, зарар учун жавобгар бўладилар.

Ота-она (фарзандликка олувчилар), васийлар, ўқув юртлари, тарбиялаш, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг кичик ёшдаги бола томонидан етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кичик ёшдаги бола вояга етиши ёки у зарарни тўлаш учун етарлича мол-мулк олиши муносабати билан бекор бўлмайди.

Агар ота-она (фарзандликка олувчилар), васийлар, шунингдек, ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган бошқа шахслар вафот этган бўлсалар ёки улар зарарни тўлаш учун етарли маблағга эга бўлмасалар, тўлиқ муомалага лаёқатли бўлиб қолган зарар етказувчининг ўзи бундай маблағга эга бўлса, суд тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек, бошқа ҳолатларни инобатга олиб, зарарни тўлиқ ёки қисман зарар етказувчининг ўз мол-мулки ҳисобидан қоплаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Баъзи сабабларга кўра, ёшга доир пенсия тайинлашни сўраб, Пенсия жамғармасининг туман бўлимига икки ой кечикиб мурожаат этдим. Айтинг-чи, бундай ҳолатда менга қайси вақтдан бошлаб пенсия тайинланади?

Алимжон ЖАББОРОВ,
Тошкент шаҳри

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 47-моддасида пенсиялар тайинлаш муддатлари аниқ қайд этилган. Хусусан, ушбу модданинг "а" бандига мувофиқ, ёшга доир пенсия — агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб уч ой ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади. Бундан кўриниб турибдики, сиз икки ойдан сўнг мурожаат этганингизга қарамай пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб пенсия олиш ҳуқуқига эга ҳисобланасиз.

Жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлган тақдирда, суднинг чақирув қоғози қаерга юборилади?

Собира БОБОҚУЛОВА,
Тошкент шаҳри

— Маълумки, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 132-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар судга чақирув қоғозлари, зарур ҳолларда эса, телефонограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали чақириладилар ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинади.

Судья чақирув қоғози билан бир вақтда жавобгарга аризанинг ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам юборади.

Жавобгарнинг амалдаги яшаш жойи номаълум бўлган тақдирда, унинг охирги яшаш жойидаги алоқа ташкилоти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд охирги иш жойидаги иш берувчи (маъмуриятнинг мансабдор шахси) чақирув қоғозининг иккинчи нусхасига чақирув қоғози олинганлиги ва чақирилувчининг қаердалиги маълум эмаслиги сабабли уни топширишнинг имкони бўлмаганлиги ҳақида ёзиб юборган маълумот судга келиб тушгач, суд ишни кўришга киришади. Ушбу меъёр Фуқаролик процессуал кодексининг 139-моддасида белгилаб қўйилган.

Баъзан айрим кишиларнинг эътиборсизлиги туфайли қорамоллар қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилганига гувоҳ бўламиз. Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда бундай фуқароларга нисбатан қандай жавобгарлик белгиланган?

Чори САМАДОВ,
Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 104-моддаси биринчи қисмида айнан сиз назарда тутаётган ҳолат бўйича жавобгарлик белгиланган. Хусусан, чорва моллар ёки паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайҳон қилиши, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, кўчатларга шикаст етказиши — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса, беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Саволларга жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг судьяси Ҳамро БЕРДИҚЛИЧОВ жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

А Х Б О Р О Т

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва унинг асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун сўнгги йилларда ушбу соҳада ишлаб чиқилган ўз кўлами ва мазмунига кўра энг муҳим норматив ҳужжатлардан бири ҳисобланади, бу эса хусусий сектор фаолиятини кучайтириш ҳисобига республика иқтисодиётининг шиддат билан ривожланишига кучли туртки бериши шубҳасиздир.

Қонун билан давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнес юритиш тартиби, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлардан тортиб то уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, жавобгарликни эркинлаштиришга қадар тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларига дахл қиладиган 40 дан ортиқ қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Мажлисда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишлар хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти янада эркин ривожланишининг, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш имконини беради. Қонун тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини анча кучайтиради.

Жумладан, сенаторларнинг фикрича, солиқ тўлашдан бўйин товлаш тарзида биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар жиноят аниқланганидан кейин ўттиз кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган бўлса, пенялар ва бошқа молиявий санкцияларни тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмаслигини назарда тутувчи норма ўта муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, қонунда ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлик ва савдо қоидаларини бузганлик учун жиноий жазо тайинланмаслиги, бунинг ўрнига маъмурий юрисдикция қўлланилиши назарда тутилмоқда, бундан йирик жиноятлар мустасно.

Сенаторларнинг фикрича, қонунда назарда тутилганидек хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган барча ҳуқуқбузарликлар учун, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларнинг Жиноят кодексининг ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг алоҳида, мустақил бобларига бирлаштирилиши хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг кафолатланишини кучайтиришга, мансабдор шахсларнинг ушбу соҳадаги жавобгарлигини оширишга кўмаклашади.

Таъкидланганидек, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг фаолиятини тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини уч йилда кўпи билан бир марта текшириш мумкинлиги ҳақидаги тартибнинг белгилаб қўйилиши тадбиркорларни уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашишдан ҳимоя қилишга, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга киритилаётган норма давлатимиз раҳбарининг фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг яна бир тимсоли бўлди. Ушбу норма қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган. Қабул қилинаётган қонунга мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида Имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестри яратилмоқда. Бу тадбиркорларга соҳадаги ўзгариш ва имтиёзлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имконини беради.

Муҳокама чоғида қайд этилдики, маъмурий ёки жиноий иш бўйича тадбиркорларнинг қайд этилмаган товарлари давлат даромадига айлантирилган тақдирда Солиқ кодексида кўрсатилган молиявий санкцияларнинг тадбиркорларга нисбатан қўлланмаслигини назарда тутувчи норма улар мулкий манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишига, тадбиркорлик, кичик бизнеснинг жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашади. Таклиф этилаётган норма тадбиркорлар молиявий ҳолатининг ҳаддан ташқари ёмонлашишига йўл қўймасликка қаратилган.

Мажлисда қайд этилдики, ана шу ва бошқа янгиликларнинг қонунлар даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга, тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат ва бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлашга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган **"Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида сўзга чиққан сенаторлар қайд этганларидек, қонун инвестиция ва пай фондларини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга, республикада жамоа томонидан инвестициялар киритиш тизими яратилишини рағбатлантиришга қаратилган. Бу вақтинча бўш турган пул маблағларини ҳаракатга келтиришда, уларни турли иқтисодий, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиришда аҳоли ва тадбиркорлик тузилмалари учун шарт-шароитлар яратади.

Муҳокама чоғида сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фонд бозори томонидан иқтисодиёт тармоқлари ўртасида капиталнинг эркин ўтказилишини таъминлаш каби вазифаларнинг самаралироқ бажарилишига, инвесторлар, тадбиркорлар ва аҳолининг кенг қатламларига капитал бозоридан эркин фойдаланиш имкониятини беришга, фонд маблағларини самарали бошқаришга, фуқароларнинг омонатларини шакллантириш ва уларни кўпайтиришнинг муқобил имкониятларини яратишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Соғлом бола йили" Давлат дастурини ижро этиш мақсадида тайёрланган **"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"**ги (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисда таъкидланганидек, қонунда янги қоидалар назарда тутилган бўлиб, улар жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини, давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу соҳадаги ваколатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилишга, жисмонан ва ҳар томонлама етук ёшларни шакллантиришга, ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизимининг самарадорлигини оширишга, замонавий ва самарали спорт инфратузилмасини шакллантиришга, юқори классдаги спортчиларни, шунингдек, спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, спортнинг миллий турларини ривожлантиришга кўмаклашади.

Сўнгра сенаторлар "Соғлом бола йили" Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламентнинг қуйи палатасига киритилган **"Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, 1992 йилда қабул қилинган амалдаги "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги қонуннинг ўрнига қабул қилинаётган ушбу қонун замонавий талабларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, касалликларнинг олдини олишнинг самарали тизимини янада ривожлантиришга, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, санитария нормалари ва қоидаларини бажаришга қаратилган. Шунингдек, қонунда ҳудудлар, иншоотлар, бинолар, ташкилотлар, бошқа объектларни сақлаш юзасидан санитария-эпидемиологик талабларни белгилашда фуқаролик жамияти институтлари кенг иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари назарда тутилмоқда.

Сенаторлар мазкур қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳада таъсирчан санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар уюштирилиши ва ўтказилиши, жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши учун ижро этувчи ҳокимият органлари ва назорат хизматларининг жавобгарлигини оширишга кўмаклашади, деб қатъий ишонч билдирдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонунни кўриб чиқиш жараёнида сенаторлар жиноят қонунчилигига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ўта муҳимлигини қайд этдилар. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан, озодликни чеклаш деб номланган янги жазо чорасининг жорий этилиши жиноий жазолар тизимини янада такомиллаштиришга, эркинлаштиришга ва инсонпарварлик руҳи билан йўғиришга қаратилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар жазонинг адолатлилик принципини тўлиқроқ рўёбга чиқаришга, айбдор шахсларни жамияттан кескин ажратмаган ҳолда уларнинг қаттиқ пушаймон бўлиши ва тузалиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга, моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплашга, шунингдек, халқаро стандартларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишни давом эттиришга кўмаклашади.

Сенаторлар, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилиши ушбу қонунда назарда тутилган, қабул қилинган қонунларни, мамлакатимиз Президентининг қарорларини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган ҳамда давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида қонунийликни, шунингдек, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор бошқа ўзгартиш ва қўшимчаларни, шу жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунларга киритилаётган ўзгартишларни ҳам кўриб чиқдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Qonun ko`magi

Меҳнат муносабатлари

иш берувчи ва ходимнинг амалдаги қонун талабларига қатъий риоя этишини тақозо қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Меҳнат низолари бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар, меҳнат шартномасида назарда тутилган шартларни қўллаш юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликдир. Якка меҳнат низолари меҳнат жамоаларида ташкил этилган меҳнат низолари комиссияси ва суд томонидан кўриб чиқилади. Қонунда назарда тутилган истисноларни ҳисобга олмасак, ушбу низоларни ҳал этишнинг ягона тартиби мавжуд эмас. Шунингдек, қонунда ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлик ва савдо қоидаларини бузганлик учун жиноий жазо тайинланмаслиги, бунинг ўрнига маъмурий юрисдикция қўлланилиши назарда тутилмоқда, бундан йирик жиноятлар мустасно.

Сенаторларнинг фикрича, қонунда назарда тутилганидек хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган барча ҳуқуқбузарликлар учун, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, ноқонуний аралашганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларнинг Жиноят кодексининг ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг алоҳида, мустақил бобларига бирлаштирилиши хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг кафолатланишини кучайтиришга, мансабдор шахсларнинг ушбу соҳадаги жавобгарлигини оширишга кўмаклашади.

Таъкидланганидек, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг фаолиятини тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини уч йилда кўпи билан бир марта текшириш мумкинлиги ҳақидаги тартибнинг белгилаб қўйилиши тадбиркорларни уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашишдан ҳимоя қилишга, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга киритилаётган норма давлатимиз раҳбарининг фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг яна бир тимсоли бўлди. Ушбу норма қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган. Қабул қилинаётган қонунга мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида Имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестри яратилмоқда. Бу тадбиркорларга соҳадаги ўзгариш ва имтиёзлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имконини беради.

Муҳокама чоғида қайд этилдики, маъмурий ёки жиноий иш бўйича тадбиркорларнинг қайд этилмаган товарлари давлат даромадига айлантирилган тақдирда Солиқ кодексида кўрсатилган молиявий санкцияларнинг тадбиркорларга нисбатан қўлланмаслигини назарда тутувчи норма улар мулкий манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишига, тадбиркорлик, кичик бизнеснинг жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашади. Таклиф этилаётган норма тадбиркорлар молиявий ҳолатининг ҳаддан ташқари ёмонлашишига йўл қўймасликка қаратилган.

Мажлисда қайд этилдики, ана шу ва бошқа янгиликларнинг қонунлар даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга, тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат ва бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлашга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган **"Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида сўзга чиққан сенаторлар қайд этганларидек, қонун инвестиция ва пай фондларини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга, республикада жамоа томонидан инвестициялар киритиш тизими яратилишини рағбатлантиришга қаратилган. Бу вақтинча бўш турган пул маблағларини ҳаракатга келтиришда, уларни турли иқтисодий, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиришда аҳоли ва тадбиркорлик тузилмалари учун шарт-шароитлар яратади.

Муҳокама чоғида сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фонд бозори томонидан иқтисодиёт тармоқлари ўртасида капиталнинг эркин ўтказилишини таъминлаш каби вазифаларнинг самаралироқ бажарилишига, инвесторлар, тадбиркорлар ва аҳолининг кенг қатламларига капитал бозоридан эркин фойдаланиш имкониятини беришга, фонд маблағларини самарали бошқаришга, фуқароларнинг омонатларини шакллантириш ва уларни кўпайтиришнинг муқобил имкониятларини яратишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Соғлом бола йили" Давлат дастурини ижро этиш мақсадида тайёрланган **"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"**ги (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисда таъкидланганидек, қонунда янги қоидалар назарда тутилган бўлиб, улар жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини, давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу соҳадаги ваколатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилишга, жисмонан ва ҳар томонлама етук ёшларни шакллантиришга, ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизимининг самарадорлигини оширишга, замонавий ва самарали спорт инфратузилмасини шакллантиришга, юқори классдаги спортчиларни, шунингдек, спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, спортнинг миллий турларини ривожлантиришга кўмаклашади.

Сўнгра сенаторлар "Соғлом бола йили" Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламентнинг қуйи палатасига киритилган **"Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, 1992 йилда қабул қилинган амалдаги "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги қонуннинг ўрнига қабул қилинаётган ушбу қонун замонавий талабларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, касалликларнинг олдини олишнинг самарали тизимини янада ривожлантиришга, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, санитария нормалари ва қоидаларини бажаришга қаратилган. Шунингдек, қонунда ҳудудлар, иншоотлар, бинолар, ташкилотлар, бошқа объектларни сақлаш юзасидан санитария-эпидемиологик талабларни белгилашда фуқаролик жамияти институтлари кенг иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари назарда тутилмоқда.

Сенаторлар мазкур қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳада таъсирчан санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар уюштирилиши ва ўтказилиши, жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши учун ижро этувчи ҳокимият органлари ва назорат хизматларининг жавобгарлигини оширишга кўмаклашади, деб қатъий ишонч билдирдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонунни кўриб чиқиш жараёнида сенаторлар жиноят қонунчилигига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ўта муҳимлигини қайд этдилар. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан, озодликни чеклаш деб номланган янги жазо чорасининг жорий этилиши жиноий жазолар тизимини янада такомиллаштиришга, эркинлаштиришга ва инсонпарварлик руҳи билан йўғиришга қаратилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар жазонинг адолатлилик принципини тўлиқроқ рўёбга чиқаришга, айбдор шахсларни жамияттан кескин ажратмаган ҳолда уларнинг қаттиқ пушаймон бўлиши ва тузалиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга, моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплашга, шунингдек, халқаро стандартларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишни давом эттиришга кўмаклашади.

Сенаторлар, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилиши ушбу қонунда назарда тутилган, қабул қилинган қонунларни, мамлакатимиз Президентининг қарорларини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган ҳамда давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида қонунийликни, шунингдек, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор бошқа ўзгартиш ва қўшимчаларни, шу жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунларга киритилаётган ўзгартишларни ҳам кўриб чиқдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Insonparvarlik tamoyillari

Ярашув институти:

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Энг муҳими, ушбу қонун меъёрларининг амалда самарали татбиқ этилаётгани турли сабабларга кўра, жиноий қилмишга қўл урган кимсалар қилмишидан пушаймон бўлиб, ҳаётда яна тўғри йўлга тушиб олишида муҳим ўрин тутмоқда.

Ушбу қонунга кўра, Жиноят кодексига "Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида"ги 66[1]-моддаси киритилди. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноий қилмишларни содир этган шахс қилган хатосидан пушаймон бўлса, жабрланувчидан узр сўраб, етказилган зарарни қопласа, жабрланувчи эса, унинг айбидан кечса, тарафлар ихтиёрий ярашса, айбланувчи жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар асосида давом эттирадиган бўлсак, судланувчи Б.Келдиёров (исм-шарифлар ўзгартирилган) шу йилнинг 4 февраль куни "Усмонобод" маҳалласидаги тўйхона ёнида қўшни маҳаллада яшовчи Б.Ўринов билан жанжаллашиб қолади. Жаҳл келганда ақл кетади, деганларидек, Б.Келдиёров ҳам низони босиқлик билан ҳал этиш ўрнига Б.Ўриновга қўл кўтариб, унга қасддан ўртача оғирликдаги шикаст етказади.

Албатта, ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Б.Келдиёров ҳам содир этган қилмиши учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.

Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилган Б.Келдиёров қилмиши оқибатини ўйлаб, судга ариза билан мурожаат қилди. У ўз аризасида суд муҳокамаси жараёнида жабрланувчи Б. Ўриновдан кечирим сўраб, унинг шифохонада даволаниши учун кетган харажатларни тўлиқ қоплагани, жабрланувчи билан ўзаро ярашганлиги, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни ва жиноят ишини Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига кўра, ҳаракатдан тугатишни сўради. Ўз навбатида, жабрланувчи Б.Ўринов ҳам судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, судланувчи ундан кечирим сўрагани, даволаниши учун кетган харажатларни тўлиқ қоплагани ва улар ўзаро ярашиб олишганини қайд этиб, жиноят ишини қонун талабидан келиб чиқиб, ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд Жиноят кодексининг 66[1]-моддаси талабига кўра, судланувчиниг биринчи марта жиноят содир этганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймон эканлиги, жабрланувчи билан ўзаро ярашиб, унинг даволаниши учун кетган харажатларни тўлиқ қоплагани, ўз навбатида, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилди.

Суд ушбу ишни атрофлича кўриб чиқиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Мухтасар қилиб айтганда, судлар томонидан меҳнат низоларининг адолатли ҳал этилаётганлиги фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Нурали ПАНЖАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судининг судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Islohot va samara

Судларнинг ролини ошириш — ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бинобарин, Асосий Қонунимизнинг 19-моддасига асосан: "Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас".

Конституциямизнинг 25-моддасида эса: "Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас", деган қоида белгиланган.

Бундан ташқари Асосий Қонунимизнинг 44-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистонда "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади".

Ана шу конституциявий қоидаларнинг амалиётда кенг қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Президентимиз парламент палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ соҳасидаги устувор йўналишлар ҳақида тўхталиб, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигига эътиборни қаратди. Мамлакатимиз раҳбари ўшанда "Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак", деган тарихий аҳамиятга эга ғояни илгари сурди.

Ушбу ғояларнинг мантиқий давоми сифатида 2005 йил 8 августда Президентимизнинг **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармони ҳамда мазкур Фармонда белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида, 2007 йил 11 июлда **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди.

Шу асосда мамлакатимизда жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январдан судлар ваколатига ўтказилди. Бундай дадил қадам, ҳеч шубҳасиз, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларининг суд орқали самарали ҳимоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларининг муҳофазаси таъминланди; жиноят процесси Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро шартномалар ва Конституция нормаларига янада мувофиқлаштирилди; судгача бўлган жараён, яъни жиноят ишларини юритишга нисбатан суд назорати ўрнатилди; қамоққа олишнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилиги юзасидан ҳимоя томонининг айблов томони билан реал тортишув олиб бориш ва эътирозлар билдириш имкониятлари ортди, ҳимоянинг нуфузи яна бир поғонага кўтарилди; ноқонуний, асоссиз қарорлар қабул қилиниши, номақбул далиллар олиниши ҳолатларига чек қўйилди; суриштирув, тергов ва прокуратура органлари ходимларининг ўз вазифасига бўлган масъулияти янада кучайди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда дунёнинг қарийб 120 та давлатида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш судларнинг ваколатидадир. Айни пайтда фақат 15 та давлатда шахсни қамоққа олишга прокурор томонидан санкция бериш амалиёти сақланиб қолган.

Ўзбекистонда "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши натижасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддаси ҳамда "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактнинг 9-моддаси қоидаларининг амалга оширилиши таъминланди.

Бу, бир томондан, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ҳамда Конституциямизда кафолатланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, шахс эркинлиги ва дахлсизлиги суд орқали самарали ҳимоя этилишини таъминлашнинг кафолати сифатида хизмат қилмоқда. Иккинчи томондан, ушбу қадам Ўзбекистоннинг ўз зиммасига олган халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига оғишмай риоя этишга садоқатли эканининг ёрқин тасдиғига айланди.

Шунинг учун ҳам бу муҳим воқеа жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам юксак эътироф этилди. Масалан, БМТдаги Ўзбекистон Республикасининг доимий ваколатхонаси томонидан 2007 йил июль ойида Женевада ташкил этилган брифингда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ижобий баҳолади.

Хусусан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси раиси Рафаэль Посада Ўзбекистон Президентининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ва бу борада миллий парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ғоятда муҳим ва илғор одимлар эканини таъкидлади. Ўз навбатида, Жаҳон муаммоларини тадқиқ этиш бўйича Женева халқаро институти вице-президенти Жозеф Гольдблат мазкур қонун ҳужжатларини Ўзбекистонни модернизация қилиш ҳамда давлат қурилишини эркинлаштириш йўлида қўйилган янги дадил қадам сифатида таърифлади.

Шунингдек, 2008 йил 4-5 июнь кунлари Брюсселда бўлиб ўтган Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа масалалар бўйича "Ўзбекистон-ЕС" кичик қўмитасининг 5-мажлисида Европа Иттифоқи Комиссиясининг ташқи алоқалар бўйича Бош директорати Инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш бўлими раҳбари Р.Тиманснинг қайд этишича, **Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги ютуқларини тан олади.**

Бу, ўз навбатида, Европа томони Ўзбекистондаги суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини, жумладан, "Хабеас корпус" институтининг жорий қилиниши, тарафлар тортишуви, суд жараёнида ҳимояловчи ва айбловнинг тенглиги таъминланишини эътироф этганидан далолат беради.

Ўзбекистонда фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш, одил судловнинг амалда мустақиллигини таъминлаш, суд назорати институтини рўёбга чиқариш бўйича амалга оширилган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, ушбу йўналишда қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, балки инсон учун" деган ҳаётий даъватнинг амалий ифодасидир.

Айниқса, дастлабки тергов босқичида суд назоратининг кучайтирилиши, мазкур соҳада суд фаолиятининг либераллаштирилиши, прокурор ва адвокатнинг тенглигига эришиш, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишувнинг юзага келиши, "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши ушбу йўналишни янги босқичга олиб чиқди.

Бу борада **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун мисолида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судлар томонидан амалга оширилишига оид қонунчилик асослари яратилганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Олий суд Пленумининг 2007 йил 14 ноябрда қабул қилинган **"Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"**ги қарорида қамоққа олишга санкция беришга оид янги муносабатлар батафсил очиб берилгани ҳам алоҳида эътиборни тортади.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йили Парламентга тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида "Хабеас корпус" институти қўлланилиши доирасини кенгайтириш мақсадида, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал-мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш вақти етганлиги таъкидланди.

Шу тариқа Президентимизнинг мазкур Концепцияси, таъбир жоиз бўлса, суд тизими ислоҳотларида янги даврни бошлаб берди. Концепция асосида ишлаб чиқилган ва 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган **"Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш мақсадида, 2012 йил 19 сентябрдан бошлаб, судга қадар иш юритув босқичида шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштиришдек процессуал-мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди.

Президентимизнинг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган **"Судлар фаолиятини такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони мисолида шунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкинки, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳокимияти ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, суднинг нуфузини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонунийликни таъминлаш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш борасида унинг аҳамиятини оширишга қаратилган кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу фикрнинг тасдиғи сифатида 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунга кўра, Жиноят-процессуал кодексининг 237-моддасида белгиланган эҳтиёт чораларининг доираси кенгайтирилди. Яъни уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жорий этилиб, шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва унинг муддатини узайтириш судлар ваколатига берилганини қайд этиш лозим.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш ҳамда жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Табиийки, бу жараёнлар кейинги йилларда фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали таъминлашга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганини тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда "Хабеас корпус" институтининг амалиётга киритилиши суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш билан бирга, мамлакатимиздаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларида ўзига хос бурилиш ясади. Энг асосийси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бу муҳим қадам умуминсоний қадриятлар, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари давлат муҳофазасида эканини яққол намоён этмоқда.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

Mustaqilligimizning 24 yilligi oldidan

Мустақиллик — тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳақиқатан ҳам, истиқлолнинг илк йилларидан халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини юксалтириш, фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадлар кўзланди. Собиқ тузумдан пароканда бўлган саноат, ишдан чиққан ер ва қийин демографик вазият мерос қолган бўлишига қарамай, иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга, саноат ва инфратузилмани ривожлантиришга дадил киришилди. Бир пайтнинг ўзида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, одамлар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, саломатлигини тиклаш, миллий генофондни яхшилаш, таълим сифатини оширишга катта куч ва маблағ йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар томонлама чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий сиёсати — тараққиётнинг "ўзбек модели" халқимизни мустақилликнинг илк йилларидаги қийинчиликлардан, моддий ва маънавий бўҳронлардан эсон-омон, беталафот олиб ўтди. Ана шундай кенг кўламли ислоҳотлар натижалари бугун барча соҳаларда эришилаётган бетимсол ютуқларимизда намоён бўлмоқда.

Эндиликда юртимизда юксак технологияларга асосланган кўплаб замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон автомобилсозлик, нефть ва газни қайта ишлаш, телекоммуникация ускуналари, маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида тараққий этган мамлакатлар билан бўйлашмоқда. "Made in Uzbekistan" белгиси туширилган маҳсулотлар халқимиз эҳтиёжини тўла таъминлаб, дунё бозорига ҳам чиқарилмоқда.

Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги ўн йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани ривожланган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

Мутахассисларнинг қайд этишича, Европанинг бир қатор давлатларида аҳолининг катта қисми ушбу тармоқда банд бўлса, барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари қайд этилаётган Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапурда кичик бизнес иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айланган. Ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпи кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан шакллантирилаётган Японияда иш билан банд аҳолининг 80 фоизи ушбу секторда меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилган ислоҳотлар самарасида 2000 йилда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 31 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич АҚШ, Япония ва Германия даражасига тенглашиб, 56 фоизга етди. Яратилаётган ҳар иккинчи иш ўрни, ишлаётганларнинг ўнтадан саккизтаси кичик бизнес соҳасида банд экани тармоқни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати ўзини тўла оқлаётганидан далолат беради.

БМТ Тараққиёт дастурига мувофиқ бизнес юритишни енгиллаштиришда амалга оширилган ислоҳотлар бўйича Ўзбекистон дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторидан жой олгани мамлакатимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари натижаси жаҳон миқёсида эътироф этилаётганини кўрсатади.

Аслида ҳам, чорак аср муқаддам оддийгина гугуртни ҳам четдан олиб келишга мажбур бўлган Ўзбекистон бугун ялпи ички маҳсулотининг ўсиши мунтазам саккиз фоиздан кам бўлмай келаётган, аҳоли турмуш даражаси муттасил юксалиб, фаровонлиги ортаётган, тадбиркорлари ишлаб чиқарган рақобатбардош маҳсулотлар, наинки, ички эҳтиёжни тўла қоплаётган, балки экспорт қилинаётган улкан салоҳиятли, қудратли давлатга айланди.

Юртимизда замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Биргина мисол: кейинги 5 йилда мамлакатимизда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 та спорт иншоати ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилгани ва реконструкция қилингани, бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланаётганининг ўзи ҳам соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётганини яққол тасдиқлаб турибди.

Мамлакатимиз жадал ривожланаётгани, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани шаҳару қишлоқларимиздаги ободликда ҳам намоён бўлмоқда. Амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда. Миллий ҳаёт тарзига мос, замонавий муҳандислик коммуникациялари асосида кенг, ёруғ ва қулай этиб қурилган ушбу уйлар оилаларнинг ҳаёт сифатини оширмоқда.

Халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида, амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаб, дунёқарашини тубдан ўзгартирмоқда.

Шу тариқа мустақиллик йилларида Ўзбекистон, том маънода, бахтли одамлар мамлакатига айланди ва буни нафақат юртдошларимиз фахр билан айтмоқда, балки бутун жаҳон жамоатчилиги ҳам эътироф этмоқда.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзусида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса, фахрли биринчи ўринни эгаллагани ҳар биримизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлади, қалбларимизни тўлқинлантириб юборди.

Бу бежиз эмас, албатта. Бугун халқимиз мамлакатимиздаги озод ва обод ҳаётдан, тинчлик-тотувлик, турмушимиздаги фаровонликдан мамнун. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровда мамлакатимиз аҳолисининг 98 фоиздан ортиғи ўз ҳаётидан кўнгли тўқ эканини билдиргани бу фикрнинг исботидир.

Мухтасар айтганда, бугун инсон бахт учун дунёга келади, деган ибора юртдошларимиз қалбида акс-садо бермоқда. Халқимиз бугуни кечагидан обод, эртаси бугунидан-да фаровон бўлишига қатъий ишонч, таъбир жоиз бўлса, бунёдкорона руҳ билан яшамоқда. Бу ёруғ ишонч ва бунёдкорлик кайфияти, юксак тараққиёт ва ободлик салоҳияти, фаровонлик ва бахтиёрлик нашидаси — буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик шарофатидандир.

Бобомурод РАЙИМОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг амалий ифодасидир

Шу ўринда иккинчи мисолга тўхталадиган бўлсак, гумон қилинувчи А.Ғаффоров "Жума" почта алоқа тармоғига қарашли алоқа бўлимида раҳбар сифатида фаолият юритиб келган. У моддий жавобгар шахс ҳисобланган ҳолда 4 миллион 215 минг 255 сўм миқдоридаги маблағги пенсия олувчиларга тарқатмасдан, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Бундан ташқари А.Ғаффоров ўзининг жавобгарлигидаги 1 миллион 655 минг 516 сўм пул маблағини ҳам ўзлаштириб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Дастлабки тергов жараёнида А.Ғаффоров почта алоқа бўлимига етказилган жами 5 миллион 870 минг 771 сўмлик моддий зарарни тўлиқ қоплади. Шу боис суд Жиноят қодексининг 167-моддаси 1-кисми билан А.Ғаффоровга нисбатан томонларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан судга юборилган жиноят иши юзасидан суд мажлиси баённомасини тасдиқлаб, ярашганлиги муносабати билан жиноят иши юритувини тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Аниқроқ айтганда, суднинг бундай хулосага келишига А.Ғаффоровнинг фуқаровий даъвогар Н.Муродов билан ихтиёрий ярашгани асос бўлди. Шунингдек, фуқаровий даъвогар судда гумон килинувчи дастлабки тергов даврида етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ўз ихтиёри билан ярашгани ва бу ҳақда тергов ҳамда судда ариза тақдим қилганини баён қилди.

Суд амалиётидан бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Энг муҳими, мамлакатимизда жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани, ярашув институтининг амалга жорий этилгани билиб-билмай ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноий қилмишга қўл урган шахсларнинг ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олишида муҳим омил бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ярашув институтининг амалга жорий этилгани жиноий-ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур институт жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга, судланганлик ҳолатининг камайишига, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг кенгроқ қўлланилишига имкон яратди. Шу маънода ярашув институти инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилига тўлиқ риоя этилаётганининг амалий исботидир, десак, хато қилмаймиз.

Муҳиддин ТЎХТАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Пастдарғом тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

ЭЪЛОН!

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар ДИҚҚАТИГА

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига қуйидаги талаблар асосида ҳужжат топширилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги Ф-3949-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига кўра, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига тайёргарлик кўрган, катта ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга эга, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юридик ихтисослиги бўйича иш стажи камида беш йил бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари киритилиши мумкин.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 4-бўлимига мувофиқ бошқа судьялик лавозимларига номзодини кўрсатиш истагини билдирган шахслар Комиссияга бевосита ёки Умумий юрисдикция судлари судьялари олий малака ҳайъати орқали ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари тизимида 2015 йил 3 август ҳолатига кўра, қуйидаги вакант судьялик лавозимлари мавжуд:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, 1 нафар раис ўринбосари ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди:

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 5 нафар судьялик, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг 3 нафар раислик лавозимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси:

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, 2 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 3 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 1 нафар судьялик лавозими;

Андижон вилояти:

жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 1 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 3 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Бухоро вилояти:

фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг раиси, 4 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 4 нафар раислик лавозимлари;

Жиззах вилояти:

фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг 3 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

Қашқадарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти туман (шаҳар) судларининг 1 нафар раислик лавозими;

фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг раиси, 4 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 3 нафар раислик лавозимлари;

Навоий вилояти:

жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Наманган вилояти:

жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти туманлараро судларининг 1 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Самарқанд вилояти:

жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 1 нафар судьялик лавозими;

фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари, 1 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 5 нафар судьялик лавозимлари;

Сирдарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди раисининг ўринбосари, 2 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 3 нафар раислик лавозимлари;

Сурхондарё вилояти:

жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 3 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 4 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

Фарғона вилояти:

жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари, 1 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 3 нафар раислик лавозимлари;

Хоразм вилояти:

жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 3 нафар судьялик ва туманлараро судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

Тошкент вилояти:

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 5 нафар судьялик ва туман (шаҳар) судларининг 5 нафар раислик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 7 нафар раислик ва 5 нафар судьялик лавозимлари;

Тошкент шаҳри:

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 4 нафар судьялик, туман судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари вакант.

Захирага киритиш тўғрисидаги аризага (таклифга) номзод томонидан шахсан тўлдирилган кадрларни ҳисобга олиш шахсий варағи ва таржимаи ҳол, фотосуратлар, паспорт нусхаси ва баҳолар тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган нотариал тасдиқланган олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи тўғрисида маълумотнома, иш жойидан маълумот-тавсифнома, идора номидан тавсия, фикрномалар (камида учта) илова қилинади.

Судьялик лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят судлари Судьялар малака ҳайъатига мурожаат этишлари мумкин.

Jinoyat va jazo

Ножўя қилмиш

пушаймонлик ва надоматга сабаб бўлди

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барқарор ривожланиши, барча жабҳаларнинг юқори суръатлар билан тараққий этиши, ҳеч шубҳасиз, юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир.

Маълумки, ҳар бир меҳнат жамоасининг фаолияти муваффақиятларга бой бўлиши раҳбар ходимга бевосита боғлиқ. Чунки раҳбар ходим ўзига берилган мансаб ваколатига кўра, жамоада соғлом муҳитни таъминлайди, шу кунинг талабини тўғри англаб, замон билан ҳамнафас иш тутади, бошқаларни ўз ортидан эргаштиради.

Шунингдек, раҳбар ходимдан, аввало ҳалоллик талаб қилинади. Ҳалоллик ва тўғриликни ўзининг одатига айлантирган киши тамагирликдан йироқ бўлади.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, тамагирлик иллати охир-оқибат оғир қилмишга етаклайди.

"Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун" деган эзгу ғоя илгари сурилган, Конституция ва қонунларга асосланган демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда бундай иллатнинг ҳар қандай кўриниши билан асло муроса қилиб бўлмайди. Шу мақсадда, юртимизда бу иллатга қарши курашиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Амалдаги қонунлар шу нуқтаи назардан янги ўзгартиш ва қўшимчалар билан мустаҳкамлаб борилмоқда.

Бу фикрни ўтган йил 14 майда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани ҳам яққол тасдиқлайди. Мазкур қонун билан Жиноят кодексининг пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган 211, 212-моддаларига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Янги қонун билан пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар бундай жиноят ҳақида ҳар қандай вақтда хабар берганлик учун жавобгарликдан озод этилмайдиган бўлди. Янада аниқ қилиб айтганда, жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин шахс бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, шундагина жавобгарликдан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Қонунчиликка пора сўраб товламачилик қилган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жавобгарликдан озод қилишнинг бешта шарти мезон сифатида киритилди. Хусусан, товламачилик йўли билан пора талаб қилинган ҳолатнинг далиллар асосида тўлиқ тасдиқлангани муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Иккинчидан эса, ариза ўттиз сутка мобайнида тақдим қилинган бўлиши керак.

Шунингдек, ўз ихтиёри билан арз қилинганда, шу каби пора берганлик ва воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлик билдирганда ва ушбу жиноятни очишда фаол иштирок этганида жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Айтиш керакки, бундай қабиҳ қилмишни содир этган шахсларга нисбатан судлар томонидан адолатли ва қонуний жазо тайинланмоқда. Жиноятга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда. Масалан, судланувчи Ғаффор Алимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Фориш туман молия бўлими мудири масъул мансабдорлик лавозимида 2012 йилнинг 23 майидан фаолият юритиб келган.

Бироқ у ҳалол ишлаш, зиммасидаги бурч ва мажбуриятларни сидқидилдан бажариш ўрнига нафс қутқусига учиб, қабиҳ қилмишга қўл урди.

Гап шундаки, ўтган йил апрель ойида тумандаги Меҳнатобод, Эски Фориш, Можрум қишлоқ врачлик пунктларида жорий ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши тўғрисида эълон берилади. Эълон билан танишган "Дилором-Шаҳризода" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Д.Аслиддинова таъмирлаш ва қурилиш ишлари учун пул маблағи туман молия бўлимида молиялаштирилиши сабабли Ғ.Алимовга учрашади. Ўз навбатида, Ғ.Алимов унга бирга ишлашга ваъда беради ва май ойида юқорида номлари қайд этилган қишлоқ врачлик пунктларида жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ҳақидаги шартномаларни Д.Аслиддинова билан расмийлаштиради.

Орадан бир ой ўтгач, Ғ.Алимов уни яна ҳузурига чақиради ва тумандаги бир қатор умумтаълим мактабларида ҳамда "Бинафша" мактабгача таълим муассасасида жорий таъмирлаш ишлари борлигини айтади. Қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаш учун банк муассасасига маблағ келиб тушаётгани, июль ойида мактабларни таъмирлашга ҳам маблағ тушишини таъкидлайди ва Д.Аслиддинова ана шу маблағдан 42 миллион сўмини қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориладиган объектларни топиб бергани учун "улуш" сифатида беришни тайинлайди.

Айтиш керакки, "Дилором-Шаҳризода" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари қишлоқ врачлик пунктларида жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш билан бирга 1-умумтаълим мактабида 5 миллион сўмлик, 10-умумтаълим мактабида 4 миллион сўмлик, 11-умумтаълим мактабида 5 миллион сўмлик, 12-умумтаълим мактабида 15 миллион сўмлик, "Бинафша" мактабгача таълим муассасасида 6 миллион сўмлик ва "Нарвон" қишлоқ врачлик пунктида 5 миллион 500 минг сўмлик жорий таъмирлаш ишларини амалга оширишади.

Шу тариқа бажарилган қурилиш ишлари учун масъулияти чекланган жамияти ҳисоб рақамига 73 миллион сўм миқдорида маблағ келиб тушади. Мазкур муассасаларда бажарилган ишлар юзасидан масъулияти чекланган жамият ходимлари томонидан ойма-ой ҳисоб-фактуралари тузилган.

Муассасаларни жорий ва капитал таъмирлаш учун масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб туша бошлагач, Ғ.Алимов ҳам тинчини йўқотади. У "Дилором-Шаҳризода" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Д.Аслиддиновага қайта-қайта хабар жўнатиб, 42 миллион сўмни олиб келишни талаб қила бошлайди. Д.Аслиддинова эса, у талаб қилаётган маблағни қаердан топиб беришни билмай боши қотади. Таъмагир Ғ. Алимов эса, маблағни талаб қилишни қўймайди. Шундан сўнг чорасиз қолган Д.Аслиддинова ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилади. Орадан кўп ўтмай таъмагир Ғ.Алимовнинг ҳақиқий башараси фош бўлади.

Суд судланувчи Ғаффор Алимовни Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б" банди билан айбдор деб топди. Унга нисбатан Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланилиб, уч йил муддатга барча турдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдорлик ва масъул мансабдорлик ҳамда моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, тегишли муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Шунингдек, Ғ.Алимов жиноят қуроли сифатида фойдаланган, қиймати 30 миллион 350 минг сўмга баҳоланган "Нексия" русумли автомашинаси давлат эгалигига ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзига ишониб топширилган мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, тамагирлик кишини эл ўртасида юзшувут қилибгина қолмай, қонуний жавобгарликка ҳам сабаб бўлади. Шундай экан, ҳар биримиз зиммамизга юклатилган масъулиятни виждонан ва сидқидилдан адо этиш умримизга мазмун, кўнглимизга хотиржамлик бахш этишини доимо ёдда тутайлик.

Шуҳрат КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди раисининг ўринбосари

Garoyib olam

Аввало шуни айтиш керакки, денгиз жонзотларида ўзини ҳимоя қилиш, турли хавф-хатардан ҳимояланиш ёки овлаш қобилияти жуда ноёб тарзда шаклланган.

Биз билган ва билмаган дунё



ҒАРОЙИБ ХИСЛАТЛИ ЖОНЗОТЛАР

Хусусан, уларнинг очиқ майдонда ўзини тутишига эътибор берсак, уларда юқори даражада ташкиллаштириш ва режалаштириш қобилиятлари мавжудлигига амин бўламиз. Масалан, баъзи мавжудотлар душманларидан бошқа улкан денгиз ҳайвони "соя"сида яшириниб паноҳ топса, қайсидир бошқа турлари ўзини заҳарли нишлари орқали ҳимоя қилади. Айримлари эса, ранг ва шаклини ажойиб тарзда атрофидаги табиий манзарага мослаб ўзгартиради ва четдан қараганда, мавжудот эканлиги мутлақо сезилмай қолади.

Шундай қизиқарли ҳолатлардан бири — "комфуляж" усулидир. Мазкур усул туфайли балиқ йиртқич учун умуман кўринмайдиган ранг ва ҳолатга киради. Унинг танаси атроф-муҳитга шундай мослашиб кетадики, у балиқми ё ўсимликми — аниқлашнинг деярли имкони бўлмайди.

Шу йўсинда жон сақлайдиган денгиз жонзотларидан бири "скорпена" балиғи ҳисобланади. Маржонлар ичида қўзғалмайдиган ҳолатда бекиниб оладиган "скорпена"ни кўриш жуда мушкул. Ушбу хусусияти туфайлигина у нафақат йиртқичлар ҳужумидан омон қолади, балки кўп куч сарф қилмасдан ов қилишга ҳам эришади. Бундай қобилиятга эга "скорпена" сув тагида сузмасдан, ўзининг сузгичларини илгак мисол ишлатиб, ҳаракатланади. Денгиз тубида ҳаракатланар экан, доимо ҳушёр юради. Хавф-хатар туғилганда, у бирданига қумга кўмилиб олади.

Душманларидан сақланиш учун "комфуляж" усулидан фойдаланувчи денгиз жонзотларидан яна бири қисқичбақадир. Хавф сезилганда қисқичбақа қумга кўмилиб олади ва то хавф аригунча шу алфозда ётади. Ажабланарлиси шундаки, атрофда содир бўлаётган воқеаларни у қумдан бўртиб чиқиб турувчи кўзлари ёрдамида кузатиб туради. "Камбала" номли балиқ ҳам бу усулдан унумли фойдаланади. Аниқроқ айтганда, у денгизнинг юза қисмида сузганда танаси рангини сув рангига ёки ундан тўқроқ рангга ҳам ўзгартириши, денгизнинг қумли ёки тошли тубида эса, очиқ кулранг, сув ўтлари ва мохлар орасида эса, яшил тусга кириши ҳар бир кишини ҳайратга солмай қўймайди.

Бундан ташқари айрим денгиз жонзотлари атрофга мослашиш билан бирга яна бошқа ғаройиб усуллардан ҳам фойдаланади. Масалан, пуфакбалиқ тез суза олмаслиги боис йиртқичлардан бирданига қочиб қутула олмайди. Бироқ ушбу балиқда эҳтимолий ҳужумлардан ҳимояланишнинг ажойиб усули бор — агар хавф туғилса, у кутилмаганда кенгайиб, шишиб кетади. Натижада йиртқич ўлжа ўзидан катталашиб кетганини кўриб, кўрқади ва ундан тезда йироқлашади.

Жайрабалиқнинг танасида эса, ўткир тиканлари бўлиб, у ҳам хатарни сезганида бир неча баробар ҳажмга шишиб кетади ва худди игналар санчилган шарга ўхшаб даҳшатли тусга киради. Бундай беўхшов ташқи кўриниш ҳар қандай душманни саросимага солмай қўймайди. Бетакрор ташқи кўринишга эга бўлган "креветка" балиғи эса, қумнинг овлоқ жойларида ўзига ин ковлайди. Озиқланиш мақсадида кулбасидан чиқар экан, ўзининг панжаларидан худди болғачадек фойдаланиб, яқин келган ўлжасини беаёв ура бошлайди: натижада шиддатли зарбалар ўлжасини нобуд қилади.

Янада қизиқарлиси, денгиз жонзотларида кузатиш мумкин бўлган яна бир ҳимоя тури — бу қалбаки кўзлардир. Агар эътибор берган бўлсангиз, бир қатор балиқларнинг орқа сузгичларида кўз шаклига ўхшаш доғлар бор. Ушбу бир жуфт кўзлар эвазига улар катта балиққа ўхшаб кўринади. Бундан ташқари бу ҳолат йиртқич балиқларни чалғитади, яъни уларнинг бошига эмас, думига ҳужум қилишига сабаб бўлади. Бу эса, вақтида қочиб қолишга имкон яратади. Балиқнинг ҳақиқий кўзлари эса, қалин қора чизиқлар билан қопланлиги боис унинг боши худди думдай таассурот уйғотади.

"Масхарабоз" деб ном олган балиқ эса, ҳеч бир йиртқич тута олмайдиган хилват жойларда яшайди. Унинг маконидаги ўсимликлар нақадар заҳарли бўлишига қарамай, унга асло таъсир қилмайди. Негаки, терисидаги табиий шаффоф парда уни бундай ўсимликларнинг заҳаридан ҳимоя қилади. Ҳа, ана шу шаффоф парда эвазига заҳар унга таъсир қилмайди. Ўсимликлар орасига бир неча марта кириб чиққач, унда бундай заҳарга қарши иммунитет шаклланади, сўнгра бу маконда эркин яшай олади.

Қизиғи, қуруқликдаги катта мавжудотлар сингари денгиз жонзотлари ҳам яшаш учун кичик жонзотларга эҳтиёж сезишади. Масалан, йирик ҳайвонлар таналарида илашиб юрувчи зарарли замбуруғлардан ўзларини тозалаб туриши керак. Бироқ денгиз жонзотлари бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун улар бошқа жонзотлар ёрдамига эҳтиёж сезишади. Бундай ҳолатларда, бир жонзот ўзи ўлжа бўлиб тушиши мумкин бўлган рақиб атрофида айланиб, унинг танасида макон топган замбуруғларни ея бошлайди.

Ҳайратланарлиси, баъзи ҳолларда ҳатто акула ва китлар ҳам майда балиқларга оғзига кириб, у ерда "навбатдаги тозалаш ишлари" олиб боришга изн беради. Бундай пайтда уларга ҳеч қандай зарар етказишмайди.

Маълумки, маржон балиқлар денгиз тубида яшаб, денгиз ўтлари билан озиқланади. Улар, шунингдек, денгиз тошбақалари косасида ўсувчи замбуруғларни ҳам истеъмол қилади. Ўз навбатида, денгиз тошбақаси вақт топиб, шундай балиқчаларга яқин сузиб боришга ҳаракат қилади.

Хориж матбуоти материаллари асосида Бобур ЗОҲИДЖОНОВ тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ, Светлана АРТИКОВА, Кўчқор ТОҒАЕВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Ғайрат ХИДОЯТОВ, Азиз МИРЗАЕВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-822. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8234.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰